

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 19

1 ЯНВАРДАН БОШЛАЙ

ТИЛМОҚДА

№ 30 (1261)

2020 ЙИЛ 6 АВГУСТ

## ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ҚАНДАЙ ШАРТЛАРДА БЕРИЛАДИ

Марказий банк Бош-қаруви "Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорни қабул қилди (30.06.2020 йилда 3269-сон билан рўйхатдан ўтказилган).



Низом "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ва "Ипотека тўғрисида"ги қонунлар, Президентнинг 13.05.2019 йилдаги "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5715-сон Фармониغا мувофиқ ишлаб чиқилган.

Аҳолига ипотека кредити тижорат банклари томонидан тўловлилик, қайтаришлик, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида қуйидаги мақсадларга берилади:

қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилиб яққа тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

янги қурилган ёки иккиламчи бозордан яққа тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралли уйдаги квартирани сотиб олиш ёки ўзиникига алмаштириш;

бошқа банклар томонидан ажратилган ипотека кредитларини миқдорларга қулай шартларда қайта молиялаштириш.

Ипотека кредити:

қурилаётган уй-жойни у жойлашган ер участкаси билан бирга; ипотека кредити ҳисобига сотиб олинмаган ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкка ўтадиган яққа тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралли уйдаги квартирани;

қарз олувчининг мулк бўлган ва ипотека кредити ҳисобига реконструкция қилинмаган яққа тартибдаги уй-жойни гаровга қўйган ҳолда амалга оширилади.

Муомаладан олиб қўйилган ва бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека предмети бўлиши мумкин эмас.

Ипотека кредитининг муддати, ҳажми, фоиз ставкаси ва бошқа шартлари банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ банк ва унинг миқдори ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

(Давоми 5-саҳифада)

"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки халқаро ва хорижий молия институтлари билан бевосита ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда давом этмоқда.

## "ТРАСТБАНК" ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ВА ХАЛҚАРО ИСЛОМ САВДО-МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Банк мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 17 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги "Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида белгиланган чора-тадбирлар доирасида Халқаро Ислом савдо-молия корпорацияси (Ислом Тараққиёт банкнинг шўъба корхонаси) билан савдони молиялаштириш мақсадида 8 миллион АҚШ доллари миқдорда молиялаштириш линияси ажратиш тўғрисидаги битим имзолади.

(Давоми 3-саҳифада)

## БАНК СОФ ФОЙДАСИ УЧ БАРОБАРГА ОРТДИ

Шу йилнинг 29 июль куни "Ўзсаноатқурилиш-банк" акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоқонференцалоқа орқали ўтказилган йиғилишда банкнинг 2019 йилги фаолияти яқунлари сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Қайд этиш керакки, "Ўзсаноатқурилишбанк"да банкни трансформация қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар, бунда Халқаро молия корпорациясининг тажрибали экспертлари билан ҳамкорлик самарасида 2019 йилда салмоқли ютуқларга эришилди.



(Давоми 2-саҳифада)

Бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

## ТРАНСФОРМАЦИЯ – РАҚОБАТБАРДОШ МОЛИЯВИЙ МУҲИТ ВА ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ГАРОВИДИР

Давлат раҳбари томонидан банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиш ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

(Давоми 3-саҳифада)



## БАНК СОФ Фойдаси Уч Баробарга Ортди

(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, 2019 йилда банк соф фойдаси 2018 йилга нисбатан 3 баробарга ортди. Соф фойда хажми билан республика банклари орасида аввалги йиллардаги 8-ўрндан 2-ўринга кўтарилди. Банк активларининг рентабеллиги 0,9%дан 2%га, капитал рентабеллиги 10%дан 18,4%га кўтарилди.

Операцион даромадлар 2 баробарга, фозисиз даромадлар 2,5 баробарга оширишга эришилди. Кредит портфелини диверсификациялашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида, портфелда кичик бизнес кредитлари улуши 45%га, чакана кредитлар улуши 11%га етди.

Ҳисобот йилида, пластик карта хизматларидан даромадлар 2,8 баробарга, қимматли қоғозлар билан амалиётлар даромади 3,6 баробарга, аккредитив хизматларидан даромад 1,3 баробарга оширилди.

Лондон фонд биржасида банкнинг 300 млн. долларлик дебют евробондлари жойлаштириди ва банк халқаро капитал бозори иштирокчисига айланди. Шу билан бирга, 200 млрд. сўмлик депозит сертификатлари ва 150 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар муомалага чиқарилди.

Эътиборлиси, банк капиталининг 2,2 баробарга, депозит базасининг 1,8 баробарга оширилиши натижасида 2019 йилда капитал етарлилиги, ликвидлик бўйича барча меъёрларга тўлиқ риоя қилинди. Капиталлашув даражаси бўйича банкнинг республика банклари орасидаги мавқеи яна бир поғонага кўтарилди.



“Ўзсаноатқурилишбанк” Thomson Reuters компанияси томонидан FX-Trading йўналиши бўйича Ўзбекистоннинг энг фаол банки сифатида, Осиё тараққиёт банки ва Хусусий секторни ривожлантириш Ислоҳ корпорацияси томонидан энг яхши ҳамкор банк сифатида эътироф этилди.

Шунингдек “Standard & Poor's” ва “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентликлари банкнинг халқаро рейтингини “ББ-” даражасига кўтарди, “Axbog rating” агентлигининг хизмат кўрсатиш сифати бўйича эса энг юқори - qA1 рейтингини қўлга киритилди.

Йиғилиш давомида “Ўзсаноатқурилишбанк”-ни бозор шароитларида фаолият кўрсатадиган биринчи рақамли универсал тижорат банкига айлантириш мақсадида олиб борилаётган трансформация ишлари фаол тарзда давом эттирилиши маълум қилинди.

Банк Ахборот хизмати

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ МАРКАЗИЙ БАНКЛАРИ КОМПЬЮТЕР ХУРУЖЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Россия Федерацияси Марказий банки ўртасида компьютер хуружларига қарши курашиш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.



Меморандум банк телекоммуникация тизимларида компьютер хуружларининг олдини олиш ва аниқлаш, уларни бартараф этиш учун шарт-шароитлар яратиш ва томонларнинг ахборот хавфсизлиги даражасини оширишга қаратилган икки мамлакат марказий банкларининг ўзаро ҳамкорлигини кўзда тутди.

Компьютер хуружларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик банк тизимида ахборот хавфсизлигининг таҳдиди юзасидан прогнозларни ишлаб чиқиш ва огоҳлантириш стратегияларининг самарадорлигини ошириш, компьютер хуружларининг сабабларини аниқлаш, уларга муносабат билдириш ва оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

## МАСОФАДАН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТУВЧИ ТИЗИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ СОНИ 2020 ЙИЛ 1 ИЮЛЬ ҲОЛАТИГА

№	Банк	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тadbirkorлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	Миллий банк	54 579	1 092 840	1 147 419
2	Ўзбекистон саноат-қурилиш банки	36 892	1 745 955	1 782 847
3	Агробанк	92 602	1 389 243	1 481 845
4	Ипотека-банк	108 509	1 115 724	1 224 233
5	Микрокредитбанк	51 169	661 655	712 824
6	Халқ банки	93 833	1 587 554	1 681 387
7	Савдогар банк	10 737	67 026	77 763
8	Қишлоқ қурилиш банк	19 592	262 703	282 295
9	Туронбанк	18 921	168 239	187 160
10	Hamkorbank	75 184	812 090	887 274
11	Асака банк	22 082	640 320	662 402
12	Ипак Йўли банки	21 011	336 713	357 724
13	Ziraat bank Uzbekistan	1 448	14 613	16 061
14	Трастбанк	23 967	93 785	117 752
15	Алоқабанк	14 581	325 100	339 681
16	ҚДБ Банк Ўзбекистон	697	25 008	25 705
17	Туркистонбанк	3 365	8 711	12 076
18	Содерот банк Тошкент	147	779	926
19	Универсал банк	4 581	49 010	53 591
20	Капиталбанк	20 874	159 856	180 730
21	Равнақбанк	1 749	15 906	17 655
22	Давр-банк	18 139	52 051	70 190
23	Invest Finance bank	18 474	251 325	269 799
24	Asia Alliance bank	10 643	138 395	149 038
25	Hi-Tech bank	1 422	20 383	21 805
26	Ориент Финанс банк	12 351	182 301	194 652
27	Мадад Инвест банк	550	2 051	2 601
28	Ўзгагроэксспортбанк	102	1 178	1 280
29	Пойтахт банк	662	2 768	3 430
30	Tenge bank	120	636	756
<b>Жами</b>		<b>738 983</b>	<b>11 223 918</b>	<b>#####</b>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати.

## ТРАНСФОРМАЦИЯ – РАҚОБАТБАРДОШ МОЛИЯВИЙ МУҲИТ ВА ЗАМОНАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ ГАРОВИДИР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш уларнинг трансформация жараёнини жадаллаштиришни ўз фаолиятида қўллай бошлаган "Туронбанк" ҳам юқорида келтирилган вазифаларни тўлақонли бажаришга бел боғлаб трансформация жараёнларини бошлади.

Хусусан, жаҳон банки гуруҳига кирувчи Ҳалқаро молия корпорацияси (IFC) билан ҳамкорликда банк фаолияти тўлиқ диагностикадан ўтказилди ва малакали консультантлар томонидан таҳлил қилинди. Унда корпоратив бошқарув, HR менежменти, кичик ва ўрта бизнесга хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари инфраструктурасини янгилаш, банк рискларини бошқариш ҳамда бизнес-жараёнлар билан боғлиқ бўлган бир қатор камчиликлар аниқланди.

Энг аҳамиятлиси, ушбу жараёнларга Банк корпоратив бошқаруви, замонавий ахборот технологиялари ва инновацион хизмат турларини жорий қилиш бўйича Ҳалқаро экспертлар жалб этилди. Жумладан, замонавий корпоратив бошқарув тамойилларига асосан Осиё тараққиёт банкининг Банк-молия йўналиши бўйича Ҳалқаро эксперти Низомиддин Мурадов банк кенгашига мустақил аъзо сифатида киритилди.

Трансформация жараёнларига кириб борар экан, "Туронбанк" хизматлар кўрсатиш қамровини ҳам сезиларли оширишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, аҳоли учун 54 та банк хизматлари офиси ва 88 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) ташкил этилди. Жорий йил охирига қадар қўшимча 46 та банк хизматлари офиси ҳамда 46 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) очилиши режалаштирилган. Шунингдек, Президентимиз таъбири билан айтганда, рақамли иқтисодиётга ўтиш баробарида банк истеъмолчиларга қулайликлар яратиш мақсадида рақамли ва масофавий банк хизматларининг янги турлари жорий қилишни жадаллаштирди. Электрон навбат, call марказ, жисмоний шахсларни биометрик бармоқ ва FaceID орқали идентификация қилиш, QR технологияси орқали тўловларни ўтказиш, "One touch" тизимида тўловларни смартфон орқали қабул қилиш ва 3D secure хизмати жорий қилинди ҳамда DIG ID қурилмаси (Face ID технологияси орқали миқозни идентификация қилиш тизими) ва дастурий таъминоти ишга туширилди.



Янгиланган "MyTuron" иловаси орқали эса онлайн-конверсияни амалга ошириш, онлайн омонат очиш ва кредит олиш, Mastercard эгалари учун картадан картага ўзаро пул ўтказиш ҳамда "Humo" пластик карталарига SMS хабарномани ёқиб хизматлари ҳам ишга тушди. Энг аҳамиятлиси, 2020 йил июнь ойидан бошлаб жисмоний шахсларга чакана қилдишни ажратиш бўйича "Андеррайтинг" тизими жорий қилинди ва 3,0 мингга яқин жисмоний шахсларга 53,6 млрд.сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, бугунги кунда юридик шахсларга ҳам кредитларни "Андеррайтинг" тизими орқали ажратилиши юзасидан ишлар олиб борилмоқда ва йил охиригача бу механизм ҳам ишга туширилиши кўзда тутилган.

Қолаверса, айна вақтда бизнес жараёнларнинг бошқарув тизимини яратиш борасида замонавий илгор технологияларга асосланган Буюк Британиянинг Colvir Software Solutions компанияси билан амалий ишлар олиб борилмоқда. Яқин кунларда эса "Uzcard" билан ҳамкорликда Россиянинг "Мир" кобейд-жинг карталарини эмиссия қилиш ҳам режалаштирилган. Бу ҳали ҳаммаси эмас, миқозларни жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда банк маҳсулотларини етказиш жараёнларини ўз ичига қамраб олган CRM ҳамда ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш Data Base тизимлари ҳам фаолиятга татбиқ этилиши кутилмоқда.

## "ТРАСТБАНК" ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ВА ХАЛҚАРО ИСЛОМ САВДО-МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Битимнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида замонавий технологик ускуналар ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Келишув шартларига мувофиқ, тақдим этиладиган лойиҳалар Шариат қонунига мувофиқ бўлиши керак. Ҳалқаро Ислом савдо-молия корпорацияси томонидан ажратилган ушбу линиянинг мақсади бир йилгача бўлган муддатга амал қиладиган савдо операцияларини қўллаб-қувватлашга қаратилади.

Шубҳасизки, мазкур молиялаштириш линияси банк томонидан кўрсатилган хизматлар кўламини кенгайтиришга, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришга, қолаверса янги иш ўринларининг яратилишига мустақам замин яратди.

Эслатиб ўтамай, 2018 йилнинг 12 ноябрида Ҳалқаро Ислом савдо ва молия корпорацияси "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкига 4 млн. АҚШ доллари миқдорда савдони молиялаштириш линиясини ажратган эди. Бугунги кунда ушбу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилган.

"Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти мамлакатимизда биринчилардан бўлиб эмиссия ва эквайринг бўйича 3DS2 тўлов тизимлари учун янги хавфсизлик протоколига ўтди. Ҳар йили "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти йирик халқаро банклар иш тажрибасига таянган ҳолда, халқаро пластик карталар бўйича ўз процессинг тизимини такомиллаштириб келмоқда, ва шу билан ўз миқозларини фибрибарлар ва бузгунчиларнинг карта маълумотларига рухсатсиз киришдан ҳимоя қилмоқда ва ёрдам бермоқда. Хавфсиз тўловларнинг муҳим босқичи 3D Secure 2.0 янги хавфсизлик протоколи ҳисобланади.



## "МИЛЛИЙ БАНК" АЖ 3DS2 ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ УЧУН ЯНГИ ХАВФСИЗЛИК ПРОТОКОЛИГА ЎТДИ

3D Secure хавфсизлик протоколининг биринчи версияси истеъмолчиларнинг онлайн тўловларга бўлган ишончини ошириш учун ишлаб чиқилган бўлиб, бу электрон тижоратнинг ўсишига туртки бўлди. Фибрибарлардан ҳимояланиш мақсадида 3D Secure онлайн-тўловлар учун аутентификациянинг яна бир қадами қўшди. Бу савдо шох-хобчалари ва банкларга тўловни айнан карта эгаси амалга ошираётганига ишонч ҳосил қилиши имконини беради.

Гарчи тўлов санаоти аутентификациянинг бу усулини яхши қабул қилган бўлсада, бозорнинг ҳозирги ва келажакдаги талабларига жавоб берадиган янги протокол зарурлигини тан олди. Тўловни якунлаш учун зарур бўлган аутентификациянинг қўшимча қадам 3D Secure 1.0 дан фойдаланишдаги камчиликлардан бирига айланди. Чунки у буюртма бериш жараёнининг мураккаблигини оширди ва миқозларнинг хариддан воз кечишига олиб келиши мумкин.

Протоколнинг олдинги версиясининг камчиликларини ҳисобга олган ҳолда, тўлов тизимлари 3D Secure 2.0.

протоколнинг янги такомиллаштирилган версиясини амалга оширишни бошлади.

Янги версия куйидаги афзалликларга эга:

1. Турли хил қурилмалар ва каналларни мослашувчан қўллаб-қувватлаш.

Истеъмолчи билан бир неча тўлов каналлари, шу жумладан мобил телефон браузер орқали тўловлар, илова ичидаги тўловлар ва рақамли ҳамён тўловлари бўйича янада юмшоқ ва изчил ҳамкорлик қилишни таъминлайди.

2. Яхшиланган фойдаланувчи тажриба.

Карта эгаларига тез, содда ва қулай аутентификацияни тақдим этган ҳолда, савдогарларга аутентификация ва харидлар жараёнига яхшироқ интеграциялашиш киритиш имконини беради. 3D Secure 2.0 да тезкор аутентификациянинг токенлар асосида биометрия ва аутентификация сингари усуллари қўлланилади.

3. Фибрибарликка қарши ва тўлиқларни юмшатиш учун яхшиланган маълумотлар алмашинуви.

Бу карта эгасидан маълумотларни қўл билан киритишни талаб этмасдан,

эмитентларга транзакцияни қўллаб-қувватлаш имконини беради. Бу хавфлар асосидаги аутентификация ёрдамида амалга оширилади.

Хавфлар асосидаги аутентификация транзакциялар давомида карта эгалари ҳақидаги маълумотларни йиғиб, уларни Миллий банк (эмитент банк)га узатади. Сўнгра Access Control Servers (ACS) йиғилган маълумотларни карта эгасининг транзакциялари ҳақидаги олдинги маълумотлар билан таққослайди.

Бунга тўловга оид маълумотлар, етказиб бериш манзили, контекст маълумотлар - миқоз қурилмасининг идентификатори ёки аввалги транзакциялар тарихи сингари маълумотлар кирди.

Миллий банк бу маълумотларни транзакция даражасини баҳолаш ёки керакли жавобни танлаш учун ишлатади. Агарда фибрибарлик хавфи паст бўлса, банк карта эгасидан қўшимча маълумотларни сўрамайди ва карта эгаси текширувдан ўтган, деб ҳисоблайди. Агарда фибрибарлик хавфи даражаси юқори бўлса, миқоздан қўшимча маълумотларни тақдим этиш сўралади.

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг 2019 йил 9 сентябрдаги ижро варақасига асосан қарздор "Тулпор Дизайн" масъулияти чекланган жамияти ва қўшимча қарздорлардан ундирувчи "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Давлатобод филиали фойдасига 306 миллион 411 минг сўм кредит қарзи ҳамда давлат фойдасига 12 миллион 256 минг сўм давлат божи ундириш белгиланган эди.



## ҚАРЗ УНДИРИЛДИ

Мазкур ижро ҳужжати юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Наманган тумани бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида" ги Қонуннинг 23, 86-моддаларига асосан қарор қабул қилинган ва нусхаси тарафларга юборилганига қарамай, қарздорлар ижро ҳужжати талабини бажармай келди.

Шу сабабли ундириш қўшимча қарздорларнинг

гаровга қўйилган 4 та "Некция", 1 та "Кобальт" ва 1 та "Спарк" русумли автотранспортларига қаратилди ва белгиланган тартибда хатланди.

Гаровдаги автотранспортлар белгиланган тартибда "E-JRO AUKSION" ягона электрон савдолар орқали сотувга қўйилиб, тушган пул маблағлардан 256 миллион 440 сўм кредит қарздорлиги, 12 миллион 256 сўм давлат божи, 6 миллион 123 сўм ижро йиғими учун йўналтирилди.

## КРЕДИТ – ИМКОНИАТ, УНИ ҚАЙТАРИШ ЭСА МАЖБУРИЯТДИР

Бироқ бу мажбуриятни муайян сабаблар билан уддасидан чиқа олмаслик ёки уни белгиланган муддатларда қайтаришга лоқайдлик билан қараш қарздордан масъулиятни соқит қилмайди.



Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги "Уста Рахимбой сервис" хусусий корхонаси "Микрокредитбанк"нинг туман филиалидан олган кредитини қайтариш, аниқроғи ундириш борасида кўрилган чоралар бошқа кредиторларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Мазкур корхонанинг муддати ўтиб кетган кредитини ундириш юзасидан ўтган йилнинг 13 ноябрида фуқаролик ишлари бўйича Янгикўрғон туманлараро суди томонидан қарор чиқарилиб, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро Бюроси Косонсой туман бўлимига тақдим қилинган эди. Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича иш юритувида қарздор "Уста Рахимбой сервис" хусусий корхонасидан "Ми-

крокредитбанк" АТБ Косонсой филиали фойдасига жами 137 миллион 150 минг сўм қарзни ундириш учун мулкдорнинг бошланғич баҳоси 280 миллион сўм бўлган кўчмас мулкка қаратилди ва жорий йилнинг 16 февралда электрон онлайн-аукцион савдога қўйилди.

Шунингдек, ижро ҳаракатлари давомида қарздордан муқаддам 11 миллион сўм кредит ҳамда 5,5 миллион сўм давлат божи ундирилиб, белгиланган тартибда қарздорнинг учун йўналтирилди.

Ижро жараёнида, жорий йилнинг 27 июль куни қарздордан 126 миллион 150 минг сўм кредит қарзи тўлиқ ундирилди ва ушбу маблағ "Микрокредитбанк" АТБ Косонсой филиалининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

## БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ: ТАЛАБ КАТТА, ҚАБУЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк" АЖ томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясига кўп босқичли танлов асосида иқтидорли талабаларни танлаб олиш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, Ўзбекистон тарихида илк маротаба Кейс чемпионат шаклидаги очик танлов эълон қилинди.

Ушбу танлов ва Академияда жорий йилги ўқув жараёнларида кутлаётган янгиликлар билан яқиндан танишиш мақсадида Қабул комиссияси раиси, и.ф.д. Фазлиддин Алпаярова бир қанча саволлар билан мувожаат қилдик.

– Айтингчи, ушбу танловга ёшлар томонидан қандай қизиқиш билдирилмоқда? Ҳозирги пандемия шароитида танловни ташкил этишда муаммолар кузатилмайтими?

– Келинг, суҳбатимизни саволингизни иккинчиси га жавоб беришдан бошласам.

Бу танлов жараёни тўлиқ онлайн шаклда ташкил этилгани боис, пандемия даврида бу синов жараёнлари номзодлар саломатлигига ҳеч қандай хавф солмайди.

Энди танлов жараёнларига тўхталадиган бўлсак, бу очик танлов шакли мамлакатимиз таълим соҳаси учун янгича инновацион ёндашув бўлганлиги боис, ёшларимиз бунга катта қизиқиш билан қарамоқда. Бугунги кунга 1000 дан ортиқ номзодларнинг Академия расмий веб-сайти рўйхатдан ўтиб улгурганлиги уларнинг ушбу танловга қизиқишидан далолатдир.

Жорий йилнинг 27-30 июль кунлари Кейс чемпионатининг 1-, 2-турлари старт берилган эди. Ушбу турларда иштирок этиш учун 66 жамоадан аризалар қабул қилинди. Бу дегани 330 нафар иқтидорли номзодлар кейс топшириқларини олишди. Яна бир қанча жамоалар кейинги тур саволларини олиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу билан бирга кўплаб тақлифларни инobatга олган ҳолда иштирок этиш муддати узайтирилди ва ҳозир ҳам номзодлар рўйхатдан ўтмоқдалар.

Кейс чемпионати иштирокчилари учун ҳар куни АҚШ, Қозғистон, Миср, Россия, Уммон Салтанати каби мамлакатлардан мутахассислар иштирокида вебинарлар ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, кўпчилик Кейс чемпионатининг мақсади, аҳамияти ва ўтказилиш тартиби ҳақида ҳам маълумотга эга эмас. Шу боис, чемпионат иштирокчиларида саволлар туғилиши табиий.

Кейс-чемпионат – бу мусобақа бўлиб, унда қатнашувчилар жамоавий равишда бизнес муаммоларига (кейсларга) ечим топишади. Кейс (инглизча case сўздан олинган) деганда, реал далилларга асосланган ва бошқарув қарорларини талаб қиладиган муайян муаммоли бизнес-жараён (вазият)ни акс эттирувчи ёки мамлакат, тармоқлар ва компаниялар фаолиятини стратегик ривожлантириш масалаларига қаратилган махсус тайёрланган материал тушунилади.

Агар танлов босқичларига қисқача тўхталадиган бўлсак, у ўз ичига 3 та босқични қамраб олади. Биринчи босқич кейс чемпионатни (уни ўтказишнинг алоҳида тартиби бор), иккинчи босқич, махсус тест (матн маълумотлари билан ишлаш; рақамли маълумотлар билан ишлаш; маълумотлар билан ишлашда хушёрлик) шаклини, учинчи босқич, кадрлар буюртмачилари билан интервью (суҳбат) жараёнларини ўз ичига олади.

– Танловда қатнашни учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

– Бу йил барча учун "Очик қабул" ташкил этилди. Яъни аввалги йилларда талаб қилинган номзоднинг ёши, иш жойидан тавсиянома, иш стажи, муайян лавозимда бўлиши каби талаблар бекор қилинди. Барча номзодлар ўз билимларини синовдан ўтказишлари мумкин. Бунда номзодлар фақат онлайн рўйхатдан ўтиб, тегишли анкета-сўровномани тўлдирадилар, холос.



Танловда иштирок этиш учун номзод юқорида кўрсатилган босқичлардан ўтади. Биз танлаган ушбу усул талабаларни жамоада ишлаш кўникмалари, чет тилидаги махсус билимлари, соҳага оид маҳоратини очиб беришда яхши имкониятдир.

– Кредит олиб ўқиётган талабалар кейинчалик кредитни қай шаклда тўлайдилар?

– Юқорида маълумот берилганидек, буюртмачи ташкилотлар томонидан танлов сўнгидан номзодларга иш таклифи, грантлар, таълим кредитлари таклиф этишлари мумкин. Бу имтиёزلарни танлаш номзоднинг хоҳишига кўра амалга оширилади. Буюртмачи ташкилотлар томонидан талабага таълим кредити рағбат сифатида тақдим этилади ва у қайтарилмайди. Уни талабанинг билими, иқтидори, қобилияти, креатив ёндашувлари каби бир қатор сифат кўрсаткичларини намоён эта олганлиги учун мукофот деб қабул қилиш мумкин.

– Қандай янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари очилияпти?

– Бугунги шиддат билан ривожланаётган замонда ахборот технологиялари, сунъий интеллект, робототехника кабиларга талаб ва эҳтиёж ортмоқда. Академияда шу эҳтиёжлардан келиб чиқиб бу йилдан "Бизнесни бошқариш магистри (МБА)" ҳамда "Бизнесни бошқариш бакалаври (ББА)" таълим йўналишлари очилиб, "Молия ва молиявий технологиялар (Digital Finance)" мутахассислиги жорий қилинди.

Мазкур мутахассисликка бугунги кунда талаб жуда юқори. Биз буларни инobatга олган ҳолда тингловчиларимизга замонавий билим бериш тарафдоримиз. Бунинг учун эса дунёнинг илғор олий таълим муассасалари (Гарвард Университети (АҚШ), Оксфорд Университети (Буюк Британия), Мельбурн Университети (Австралия), Credit Swiss Корпоратив университети (Швейцария), "Сбербанк Россия" ОАЖ Корпоратив университети (Россия), Назарбаев Университети (Қозғистон) каби етакчи олий ўқув юрталари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамда мутахассисларини кенг жалб этиш режалаштирилган.

Шунингдек, жорий ўқув йилидан бошлаб магистратура босқичига қабул қилинадиган тингловчилар 12 ойлик кредит-модуль тизимида уч хил тилда ўзбек, рус, инглиз тилларида тахсил олиш имкониятига эга бўладилар. Яна бир янгилик, мамлакатимиз олий ўқув юрталарининг иқтисодиёт йўналишидаги 3-курс талабалари ўқишларини Академияда давом эттиришлари мумкин.

Банк-молия академияси  
матбуот котиби Гўзал ҚОДИРОВА  
суҳбатлашди.

## ИНКАССАЦИЯ ХИЗМАТИ ТОМОНИДАН ТАШИЛАДИГАН ҚИММАТЛИКЛАР СУҒУРТА ҚИЛИНИШИ ШАРТ

Марказий банк Бошқаруви-нинг "Тижорат банклари томонидан ташкил этиладиган инкассация хизматига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди (30.06.2020 йилда 3270-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Маъмур Низом "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлар, Президентнинг 30.10.2018 йилдаги "Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5564-сон Фармони ва мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тижорат банкларининг инкассация хизмати (бундан кейин – инкассация хизмати) фаолиятининг асосий мақсади – ҳужалик юритувчи субъектлар, банклар, банкларнинг филиаллари ва алоҳида бўлинмаларига тегишли бўлган нақд пул ва бошқа қимматликларини шартнома асосида дахлсизлиги (бутлиги)ни таъминлаган ҳолда инкассация қилиш, ташиш ҳамда кузатиб бориш.

Инкассация хизмати нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ҳамда кузатиб боришни ва унинг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат қуролидан фойдаланган ҳолда, шунингдек ихтисослашган хизмат кийимида ва махсус автотранспорт воситалари орқали инкассация бригадаси томонидан амалга оширади.



Инкассация хизмати ходимларини хизмат қуроллари ва унинг ўқ-дорилари билан таъминлаш, уларни сақлаш, фойдаланиш ҳамда ҳисобини юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Инкассаторлар ҳужалик юритувчи субъектлардан пул тушумларини йиғиш йўналишлари ва уларнинг ташриф вақти жадваллари инкассация хизмати томонидан тузилади. Инкассация йўналишлари ва инкассаторлар гуруҳини паналаб ҳимоялаш режаси жойлардаги ички ишлар органлари билан келишилади ҳамда заруратга қараб, янгиланган борилади.

Низомда инкассация хизматини ташкил этиш, уларни хизмат қуроллари ва кийими, махсус автотранспорт, радиоалоқа воситалари ҳамда бошқа ҳимоя воситалари ва ҳ.к. билан таъминлаш бўйича бошқа талаблар ҳам кўрсатилган.

Инкассация хизмати банк Кенгаши томонидан (бир неча банклар томонидан ташкил этилганда – уларнинг

Кенгашлари томонидан биргаликда) тасдиқланган Устав асосида фаолият юритади. Махсус автотранспорт воситалари ҳамда ташиладиган нақд пул ва бошқа қимматликлар суғурта қилиниши шарт.

Инкассация хизматига, агар иш бевосита нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилиш, ташиш ва кузатиб бориш билан боғлиқ бўлса, Қуроли Кучлар сафига муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, соғлом, ўқотар қуроллар бўйича билим ва кўникмага эга бўлган шахслар қабул қилинади. Ҳужжат билан инкассация хизмати ходимларига қўйиладиган бошқа талаблар ҳам белгиланган.

**Низомда қўйиладиган талаблар ҳам белгиланган:**

- инкассация хизматининг махсус автотранспорт воситаларига;
- инкассация хизматининг бино ва иншоотларига;
- инкассация хизматини ташкил этиш бўйича қўйилган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш.

## ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ҚАНДАЙ ШАРТЛАРДА БЕРИЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

**Ипотека кредити ажратишида қўйиладиган риоя этилиши зарур:**

ипотека кредити тўловида муаммо юзга келганида мавжуд қарздорликни ундириб олиш учун ҳуқуқий жиҳатдан таъминотга банкнинг талаб ҳуқуқи мавжуд бўлиши;

ипотека кредитининг фоизларини ва асосий қарзларини сундириш учун қарздор тўловга лаёқатли бўлиши;

таъминотга қабул қилинган кўчмас мулк гарови бозор нархларидан келиб чиқиб баҳоланган бўлиши;

кредитни олишга ва мониторинг қилишга керак бўладиган барча маълумотлар банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ ҳужжатлаштирилган бўлиши зарур.

Ипотека кредитини ажратишнинг барча босқичлари узоқ жараёни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, банкнинг ички кредит сиёсатида кўрсатиб ўтилиши, шу жумладан унда ипотека кредитларини олиш имкониятига эга бўлган потенциал қарз олувчиларга мувофиқлик мезонлари ишлаб чиқиши зарур.

**Низомда қўйиладиган ҳам қайд этилган:**

- қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тартиби;
- ипотека кредитни олиш учун бюрократномани кўриб чиқиш ва бюрократнома бўйича қарор қабул қилиш қоидалари;
- қарз олувчининг тўловга лаёқатини таҳлил қилиш;
- ипотека кредитлари ажратишда банк таваккалчиликларини бошқариш усуллари;
- ипотека (гаров) предметини баҳолашга қўйиладиган талаблар;
- ипотека кредитини қайтариш тартиби;
- кредит тўлови бўйича муддатли ўтган қарздорлик юзга келганда муаммоларни ҳал қилишнинг альтернатив усуллари.

Марказий банк Бошқаруви Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлади (30.06.2020 йилда 3252-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Марказий банкнинг лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботи департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Йўлдошев қабул қилинган ҳужжатни шарҳлаб берди.

– Низом банк фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларнинг талабларига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Ҳужжат маъмур соҳани тартибга соладиган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мақбуллаштирган ва ўзида муҳасамлаштирган.

**Низомда қўйидаги масалалар тартибга солинган:**

банкларни ташкил этиш ва банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш;

банк акцияларини сотиб олишга дастлабки рухсатномани олиш;

банкларнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга

## БАНК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НҲҲ БИТТА ҲУЖЖАТГА БИРЛАШТИРИЛДИ



эга ходимларини баҳолаш; банкларнинг алоҳида бўлинмаларини (филиаллари ва офисларини) очиш ва ёпиш; банк уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш;

банкларни қайта ташкил этиш ва тугатиш.

Низомда муассислар ва потенциал олувчилар, банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари мувофиқ келиши керак бўлган аниқ мезонлар белгиланган.

Банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қарорларни мустақил равишда қабул қиладилар. Давлат органлари

ва уларнинг мансабдор шахслари уларнинг фаолиятига, шу жумладан банкларнинг кредит портфели ва активларини шакллантириш, раҳбар ходимларни тайинлаш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга аралашини, шунингдек банк маблағлари ҳисобидан турли хил тўлов ва бадалларни талаб қилиши тақиқланади.

**Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операцияларга қўйиладиган қиради:**

- омонатлар (депозитлар)га пул маблағларини жалб қилиш;
- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмаган ҳолда;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг корреспондент ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

қайтаришчилик, тўловчилик ва муддатлилик шартларида ўзининг ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига ўз номидан кредитларни бериш;

нақд ва нақд пулсиз шаклдаги чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар;

қимматбаҳо металлдан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

молиявий дастлаклар ҳосилалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

лизингга бериш ва бошқалар. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Ариза берувчи давлат рўйхатидан ўтиш ва лицензия олиш учун банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олгандан кейин олти ойдан кечиктирмасдан барча зарур

ҳужжатларни Марказий банкка тақдим этиши керак.

Банк фаолияти хавфсиз амалга оширилиши таъминланганда ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини, шунингдек банк тизими лозим даражада фаолият юритишини кафолатловчи корпоратив бошқарув талабларига риоя этилганда Марказий банк ижобий қарор қабул қилади.

Банка зарур ҳужжатлар билан бирга ариза олинган кундан бошлаб бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинади. Лицензия берганлик учун банк устав капитали минимал миқдорининг 0,1% миқдоридан давлат божини ундирилади. МБнинг расмий веб-сайтида банк рўйхатдан ўтказилгани ва унга лицензия берилгани ҳақида ахборот берилади.

Юқори капитал ва кредит рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган чет эл банклари ҳамда бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек халқаро молия институтларининг инвестициялари маҳаллий банк тизимига оқиб келишини рағбатлантириш мақсадида Низомда банкни ташкил этишда ёки банкнинг устав капиталда иштирок этишда ушбу ташкилотларга дастлабки рухсатнома беришнинг алоҳида соддалаштирилган тартиби назарда тутилган.

АҚШ Хитой билан келиша олмаётганлиги ортидан Huawei ни жазолаши туфайли Осиё Тинч океани ҳудудидаги технологик компаниялар ўнлаб миллиард долларни йўқотиши мумкин. CNBC да қайд этилишича, бу маълумотлар Standard and Poor's агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқотда аниқланган.



## АҚШ ОСИЁДАГИ АЙРИМ КОМПАНИЯЛАРНИ ЖАЗОЛАДИ

Huawei билан бизнес юришти имкони мушкулроқ бўлгани туфайли юзага келадиган йўқотишлар ҳажми 25 миллиард АҚШ доллари миқдоридан баҳоланди. Янги чеклашиллар, башоратга кўра, чип ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар – Taiwan Semiconductor Manufacturing Co. (TSMC) ва Semiconductor Manufacturing International Corporation сингари корхоналар даромади 15-20 фоизга қисқариши мумкин.

АҚШда май ойида савдонинг янги қоидалари белгиланди: ярим ўтказгичлар ишлаб чиқарувчи ва бунинг учун Америка ускуналаридан фойдаландиган хорижий компаниялар лицензия олишига тўғри келди. АҚШ ҳукуматининг лицензиясиз бундай фирмалар Huaweiга тўғридан-тўғри хизмат кўрсата олмайди, дейди S&P Global Ratingsнинг кредит бўйича таҳлилчиси Клиффорд Курц.

Лицензиялаштиришга оид янги қоидалар қабул қилингунга қадар Huawei АҚШ миллий хавфсизлиги манфаатига таҳдид уйғотаётган ташкилот сифатида қора рўйхатга киритилган эди. Вашингтон томонидан тасдиқланмагунча Америка фирмалари смартфон ишлаб чиқарувчи бу компания билан ҳамкорлик ўрната олмасди.

Huawei Samsungни кувиб ўтиб, апрель-июнь ойларида смартфонлар савдоси ҳажми бўйича юқори ўринга чиқиб олганди.

## ЕВРОПАНИНГ ИККИНЧИ ЙИРИК МАМЛАКАТИ РЕКОРД ДАРАЖАДА СУСТЛАШДИ

Истеъмол 11 фоиз, экспорт эса 25,5 фоиз, импорт 17,3 фоиз, давлат харажатлари 8 фоиз қисқарди. Йиллик ҳисобда ЯИМ кўрсаткичи 19 фоизга камайди.

Европанинڭ иккинчи йирик мамлакатидан биринчи чоракда иқтисодиёт 5,9 фоиз қисқарди. Чекловларнинг олиб ташланиши апрель ойидаги инқирознинг юқори чўққисидан май ва июнь ойида аста-секинлик билан иқтисодиётнинг қайта тикланишига олиб келди, дейилади ҳисоботда.

Аввалроқ Германия иқтисодиёти 2020 йил иккинчи чоракдан ундан аввалги чоракка нисбатан 10,1 фоизга сустлашгани ҳақида хабар тарқатилганди. Бу эса 1970 йилдан буён кузатилган рекорд натижа эди.

ЕИ етакчилари июль ойида қиймати 750 миллиард еврога тенг Европа иқтисодиётини қўтқариш келишувига имзо чеккан эди. 500 миллиард евро миқдоридан маблағни коронавирусдан энг кўп зарар кўрган мамлакатларга қайтармаслик шартини ёрдам тариқасида ажратиш кўзда тутилган бўлиб, қолган 250 миллиард евро эса кредит сифатида йўналтирилди.



Франция ЯИМ даражаси 2020 йил иккинчи чоракдан ундан аввалги чоракка нисбатан 13,8 фоизга қисқарди. Бу эса сўнгги 70 йилдаги рекорд пасайишдир. Бу ҳақида мамлакатдаги Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар институти маълум қилди.

Хитой ҳукумати бозордаги олтин васвасаси билан курашишни бошлади ва олтин ҳамда бошқа қимматбаҳо металллар савдоси билан шуғулланишни чегаралаб қўйди. ХХРнинг йирик банклари апрель ойида нефть билан кузатилган ҳолат такрорланмаслигини истамоқда. Ўша пайтда WTнинг даражаси нольдан тушиб кетганидан чакана савдогарлар катта зарар кўрганди.

Масалан, Хитойнинг йирик банкларидан бири СВС 31 июлдан бошлаб миқозларга таркибда платина ва палладияси бор маҳсулотларни қайди этишга рухсат бермай қўйди. Бу қарорни таваккалчиликни назорат қилиш эҳтиёжи билан боғлашди. Худди шу йўлдан

## ХИТОЙ ОЛТИН ВАСВАСИ БИЛАН КУРАШИШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ



яна бир банк – Agricultural Bank of China ҳам борди. У олтин билан боғлиқ барча амалиётларни тўхтатиб қўйди. Шанхай фьючерс биржаси, яъни олтин ва кумуш фьючерслари савдолашадиган майдон ҳам оқилона иш тутиш лозимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда олтиннинг нархи рекорд даражада ошиб

кетган. Инвесторлар учун бу қимматбаҳо металл сўғурта вазифасини утапти ва айниқса долларнинг нархи пасайган бир шароитда унинг нуфузи янада ортиб бормоқда. Таҳлилчилар тахминига кўра, келаси икки йилда бир унция олтиннинг қиймати 3 минг АҚШ долларидан ошиб кетиши мумкин.

## ЭНГ АРЗОН МОБИЛЬ ИНТЕРНЕТ ҚАЕРДА

Энг арзон чегарасиз мобиль интернетга эга мамлакатлар номи эълон қилинди. Аниқроқ айтганда, Content Review тадқиқотчи компаниясининг навбатдаги изланишлари ушбу масалага бағишланди. Бу борада етакчи ўринни Қозоғистон эгаллади. Ушбу мамлакатда чекловсиз мобиль интернет нархи тахминан 100 минг сўмга тенг. Иккинчи ўринда Польша (116 минг сўм), учинчи ўринда эса Россия Федерацияси (122 минг сўм) турибди.



Шунингдек, биринчи бешталик орасида Мексика ва Ҳиндистон мамлакатлари ўрин олган. Бир гигабайт интернет нархи Ҳиндистонда тахминан 1100 сўмга тенг бўлса, худди шунча ҳажмдаги интернет Исроилда 3700 сўм ва Индонезияда 4000 сўм ҳисобланади.

Умуман олганда, жаҳон бўйича мобиль интернет нархи ошиб кетган. Тарифлар қиймати ўрта ҳисобда 8 фоиз қимматлашган. Аниқлаштиришча, гигабайтлар нархи ошиши асосан 5-авлод тармоқлари ишга туширилиши билан боғлиқ. Шунингдек, коронавирус пандемияси туфайли тармоқлардаги босим кучайгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Дунё бўйича 1 гигабайт интернетнинг ўртача нархи 26 000 сўмга тўғри келса, Россияда унинг нархи 4 300 сўм (31 рубль)га тенг. Жаҳон бўйича чексиз интернет қиймати ўртача нархи 548 минг сўмни ташкил этса, Россияда бу нарх 122 000 сўмга етмоқда, дейилади тадқиқот хулосасида.

Бугунги кунда чексиз интернет тарифидан воз кечиш аънамага айланб бормоқда: ҳозирча йирик ЯИМ кўрсаткичига эга 50 мамлакатдан 9 таси шу йўлни танлади. Унинг ўрнига катта ҳажмдаги трафикли интернетни таклиф этишмоқда. "5G тармоқларининг ишга туширилиши икки томонлама самара кўрсатади, бир томондан, бу операторларга чексиз трафикли интернетни ишлатишга йўл очиб берса, иккинчи томондан, бу барча алоқа авлод фойдаланувчилари учун кўрсатиладиган хизматнинг нархини оширишга имкон беради", – дейилади тадқиқотда.

Коронавирус пандемияси ва карантин чораларининг жорий этилиши мобиль тармоқлардаги босимни 20-40 фоизга кучайтирди ва бу эса операторлардан фавқулудда ҳолат кузатишмаслиги учун айрим ускуналарни кўпайтириш орқали қўшимча харажат ошиб кетишига сабаб бўлди. Шунингдек, АҚШ Huawei и Хитой компанияларига нисбатан жазо чораларини қўллагани ҳисобига трансмиллий операторлар келажакда кўриладиган зарарларнинг ўрнини олдидан қоплаш ниятида нархларни оширмоқда.

## ЯНГИ НАНОМАТЕРИАЛДАН ЯСАЛГАН ДИСК

Япониялик олимлар ўзлари яқинда кашф этган янги наноматериалдан фойдаланган ҳолда DVD ва Blu-ray форматларига нисбатан катта устунликка эга диск ясашди.



Бундай дейиш учун етарли асос бор. Айтилик, ҳозирги пайтда компьютер эгалари корига яраётган оммабоп дискларга, нари борса, 8-16 гигабайт матнни ёзиш мумкин ёки Blu-rayнинг максимал ҳажми 320 гигабайтдан иборат. Тавсия этилаётган дискка эса бундан бир неча юз баравар кўп ёзув ва тасвирни сигдирса бўлади.

Янги наноматериал титан оксиди нанокристаллари асосида

яратилган бўлиб, лазерли нурланиш таъсирида ўтказувчанлик хусусиятларини ўзгартиради. Айни чоғда, металл ўтказувчанлик ҳолатидан яримўтказувчанлик ёки аксинча ҳолатга ўтиши ҳам мумкин. Яна бир муҳим жиҳати, ундан ясалган диск ўзига катта ҳажмли ахборотни сигдиришидан ташқари, бошқа дискларга нисбатан анча арзондир. Чунки уни тайёрлашда асқотадиган титан оксиди унчалик қиммат эмас.

Америка лаконоси – ўтсимон ўсимлик. У, Антарктидани истисно қилганда, Курраи заминнинг деярли барча қитъасида учрайди. Камсув ва тошлоқ ерларда ҳам яхши ривожланади.

Мевасидан олинган қизил бўёқ туқимачиликда ишлатилади. Яқин келажақда эса, у офтоб энергиясидан фойдаланиш соҳасида туб ўзгаришлар ясаши, қуёш панелларининг кескин кўпайиши ва энергиянинг арзонлашишига хизмат қилиши мумкин. Чунки, у бўёқ таркиби миллионлаб нозик



## ЛАКОНОС МЕВАСИ ВА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ


пластик толалардан иборат панел сиртига қолангач, унинг қуёш нуруни ўзига янада кўпроқ тортишига хизмат қилувчи абсорбент вазифасини ўтай бошлайди. Натижада қурилма аввалгига нисбатан икки баравар кўп энергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Бу ғояни биринчи бўлиб Wake Forest университети қошидаги нанотехнологиялар маркази олимлари ҳам назарий, ҳам

амалий жиҳатдан исботлаб бердилар. Шу боис уларнинг кашфиёти ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Пластик толали қуёш панели эса анча арзон бўлиб, офтоб чиққандан то ботгунга қадар энергия тўплаш қобилиятига эга. Уни исталган жойга ўрнатиш мумкин. Айниқса, ҳали электр токи етиб борманган жойларда ишлатиш фойдадан холи бўлмайди.

## КИМЁВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР СОНИНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

Кимёвий элемент бу – борлиқда мавжуд бўлган ва муайян туркумга мансуб бўлган барча атомлардир. Ўша “туркум”ни аниқ таърифлаш масаласи, сўнги уч юз йил ичида жуда кўп марта қайта кўриб чиқилди. Айтмоқчимизки, кимёвий элемент тушунчасини таърифлаш учун илк уринишлардан бирини амалга оширган ва бунинг учун қадимги юнон тилидаги “атом” ва “элемент” сўзларини қўллашни маъқул топган олим Жон Далтондан бошлаб, шу кунгача бу борадаги мунозаралар тинаётганича йўқ. Урни келганда айтиб ўтмоқчимизки, “элемент” сўзи қадимги Европа халқлари тилида шунингдек “бетартиблик” маъносини ҳам англатган экан.




Тасодифмиёки йўқ, буниси қоронғу, лекин ҳарқалай, кимёвий элемент тушунчасининг аниқ таърифлаш ва элементларни тартиблаш масаласида Далтондан кейин ҳам “элемент” сўзининг ўша юнонча маъносига монандлик амалда кузатилди. Бизга маълумки, Менделеев Даврий қонунининг бошланғич таърифида кимёвий элементларнинг атом массаси инobatта олинади ва буюк кимёгар рус олимининг фикрига кўра айнан шу жиҳат элементларнинг даврийлик хоссаларини белгилайди. Лекин даврий қонуннинг ҳозирги умумқабул қилинган

замонавий талқини, Менделеев ўзи таърифлаган шаклидан анча фарқ қилади. Даврий қонуннинг замонавий таърифига кўра, муайян атомнинг қайси элементга тегишли эканлигини белгилайдиган жиҳат, унинг ядросининг заряди ҳисобланади (ядронинг заряди эса ундаги протонлар сонига эквивалент бўлади). Масалан, сиз кўраётган атомнинг ядросида биттагина протон бўлса, у доимо водородга тегишли бўлади.

**Мафтуна Қирғизова,**  
**Косонсой тумани,**  
**39 - умумий ўрта таълим мактаби**  
**кимё фани ўқитувчиси**

Олимларнинг ҳисоблашича, бир кеча-кундуздан инсон кўзи кўрганни плёнкага туширса, шунинг ўзига 19 километр плёнка кетар экан.



## ИНСОН НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Унда, инсон умри давомида кўрганларини суратга тушириш учун қанча плёнка керак бўлади? Кўрган-эшитганларининг ҳаммасини эслаб қолиш мумкинми? Мутахассисларнинг фикрича, биз ўз ҳаётимиздаги воқеаларнинг атиги 4-5 фоизинигина эслай оламиз. Инсоннинг истеъдодига қараб, бу кўрсаткич ортиб бориши мумкин. Тарихда бир марта кўрган одамани ҳеч қачон унутмайдиган, умрининг ҳар лаҳзасини эслай оладиган иқтидорли кишилар ҳам кўп бўлган. Хусусан, кўплаб буюк бобокалонларимиз кучли қуввайи ҳофизалари билан барчада ҳайрат уйғотишган.

## АНТИҚА ҲАРОРАТ ЎЛЧАГИЧ

Бунинг ҳозирги пандемия шароитидан келиб чиқиб гапирётганимиз йўқ, балки ҳозирги умумтарққиёт эҳтиёжи сабабли таъкидламоқдамиз. Масалан, гўдакнинг тана ҳароратини ўлчаш осон эмас, у ҳарорат ўлчагини узоқ тутиб туришни асло истамайди.

Англиялик бир ширкат тана ҳарорати 37 даражадан юқорига кўтарилганда, тусини



ўзгартирадиган қўйлақчалар ишлаб чиқара бошлади. Гўдакнинг ҳарорати баландалашганда, қўйлақчаси оч-ҳаворанг ёки пуштидан оқ ранга айланади. Дунёда яна бундан ажиб ва омилкор технологиялар илгари суриляпти. Демокчимизки, айни пайтда янги аср имкониетлари сабабли келажақда ҳар қандай касалликни енгиш биз учун оддий бўлиб қолади.

**Мадина Тўхтаева,**  
**Ўзбекистон Тиббий-илмий**  
**фаолият билан шуғулланувчи**  
**лар Табобат Академияси**

– Кейинги пайтда айрим ташкилотлар ходимни белгиланган меъёрдан ташқари ҳам ишга жалб қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ҳатто кеч соат 21:00, 23:00 гача ишлаётганларни кўрамиз. Шундай фаолият юритиш мумкинми?

– Йўқ, асло мумкин эмас. Агар ходим ўзининг ишлари билан, масалан, ўз вақтида яқунлай олмаган ишларини охирига етказиш мақсадида ва ўз ихтиёри билан иш жойида юрган бўлса, бу бошқа масала. Лекин, мулкчилик шаклидан қатъий назар, иш берувчи ходимни иш вақти тугаганидан кейин иш жойида олиб қолишга асло ҳаққи йўқ.

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Тегишли ҳуқуқий меъёрларга кўра, ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

**6 кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати 7 соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги лозим.**

**5 кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада 2 дам олиш куни, 6 кунлик иш ҳафтасида эса, 1 дам олиш куни берилади. Умумий дам олиш куни яқшанбадир.**

Банк ва молия муассасаларида, судларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, давлат органлари ва ташкилотларида 5 кунлик иш ҳафтаси асосида ишланса, асосан, таълим ва тиббиёт муассасаларида ва бошқа корхона ва ташкилотларда 6 кунлик иш ҳафтаси асосида иш ташкил этилган.

Агар бирорта корхона ва ташкилотга борганингизда, у ерга кириш жойига иш вақти этиб, соат 09:00 дан 18:00 гача, тушлик вақти соат 13:00 дан 14:00 гача, деган ёзувга кўзингиз тушса, демек, билингки, у ерда иш 5 кунлик иш ҳафтаси асосида ташкил этилган.

Энди буни таҳлил қилиб чиқамиз. Соат 09:00 дан 18:00 гача иш вақти деб белгиланган, бунда иш вақти 8 соат эмас, балки 9 соат бўлиб қолади-ку? Демак, кўриниб турибдики, тушлик учун ажратилган 1 соат вақт иш вақтидан чиқариб ташланади. Эрталабдан тушлик вақтигача 4 соат, тушлик вақтидан кейин кечгача ҳам 4 соат, жами 8 соат ишланади.

– Агар иш вақтидан кейин

## ХОДИМ ҚАНЧА ВАҚТ ИШЛАШИ ЛОЗИМ?

**тунгача ёки байрам (ишланмайдиган) кунлари ва дам олиш кунлари ишлашга зарурат тугилиб қолса, иш берувчи ходимни ишга жалб қилиши мумкинми?**

– Аслида, дам олиш кунларида ходимларни ишлатиш тақиқланади. Бироқ, айрим истисно ҳолатларда, хизмат зарурати юзасидан ходимларни ишга жалб этишга йўл қўйилади: иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳолатлардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда, дам олиш кунларида ишга жалб қилинадиган ходимларнинг розилигини олган ҳолда, йўл қўйилади.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кун-

микдорда ҳақ тўланишини айтиб ўтдик. Бироқ, байрам ёки дам олиш кунларида иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан, иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин.

**– Айрим корхона ва ташкилотларда ва айрим мутахассислар тунда ишлашлари тўғри келади. Ҳўш, тун қачон?**

– Соат 22:00 дан то соат 06:00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилиши лозим. Ишлаб чиқариш шариоитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек 1 кун дам олиннадиган 6 кунлик иш ҳафтаси шариоитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Юқорида иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади, дедик. Тунги вақтдаги ишлар учун эса, бундай эмас. Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади. Эътиборли томони шундаки, тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди. Тўланадиган ҳақнинг

аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ҳар қандай кўринишдаги ишларни бажариш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар, юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, фақатгина ходимнинг розилиги билан қўланиши мумкин. Иш сменасининг муддати 12 соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шариоити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан (меҳнат шариоити оғир ва зарарли ишларда эса, 1 кунда 2 соатдан) ва йилга 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу жумладан, иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

Иш вақтидан ташқари вақтларда ходимнинг розилигисиз ҳар қандай ишга жалб этиш, шунингдек ходимнинг лавозим мажбуриятига кирмайдиган ишларни бажаришни ходимдан талаб қилиш ходимни мажбурий меҳнатга жалб этиш деб баҳоланади, бундай ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлашга оид 51-моддасининг 1-қисмига кўра, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан (11 150 000 сўм) 100 бараваригача (22 300 000 сўм) жарима солишга сабаб бўлади, 2-қисмига биноан, худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан (вояга етиш ёши – 18 ёш) содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 бараваридан (15 610 000 сўм) 100 бараваригача (22 300 000 сўм) жарима солишга сабаб бўлади.

**Саволларга ҳуқуқшунос Акрамжон Ҳўжамов жавоб берди.**



лари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади.

Лекин, шуни эсдан чиқармаслик лозимки, байрам ёки дам олиш кунларида иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Юқорида иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса

### БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ -ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси

**БОШ МУҲАРРИР**  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

**НАШР УЧУН МАСЪУЛ**  
Шўкур ЖАББОР

**ОБУНА ВА РЕКЛАМА  
БЎЛИМИ РАҲБАРИ**  
Ўктам АБДУЛЛАЕВ  
Тел: +998 90 0264090  
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18  
Нашр индекси-102.

МУАССИС:  
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

**Ахборот кўмаги**  
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ  
www.finance.uz  
**Тахрират манзили:**  
100060. Тошкент ш., Юнусовод т.  
Осиё кўчаси 1а  
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,  
Чоп этишга тайёрловчи:  
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ  
Газета тахририятининг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да зълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Кўл ёзма тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади. Буюртма № г 0150 А-1385 Нархи шартнома асосида. Газета А3 ҳажмида, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 04.08.2020 й., 1 2 3 4 5 6